

# Шахс жинсий идентификацияси психологик феномен сифатида

Ҳайдарова Ҳ.Р.

АндМИ,

“Муҳандислик педагогикаси ва психологияси” кафедраси  
мудири, п.ф.н.

**Аннотация:** Мақолада улғаяётган шахс жинсий идентификациясини феноменологик ёндошув орқали тушуниш асос қилиб олинади. Жинсий идентификация шаклланишидаги бирламчи ва иккиламчи жинсий социализация даврлари белгилаб ўтилади ва айниқса иккиламчи давр (17-25 ёшлар даври)даги шахс ички дунёсида бўлиб ўтадиган ўзгаришлар, хусусан, десоциализация жараёнларига эътибор қаратилади. Мақолада, шунингдек, ўзбек миллий менталитети ва этномухитига хос хусусиятлар ҳам шахс жинсий идентификацияси нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** жинсий идентификация, жинсий установка, десоциализация, феномен, муҳит, шахс, миллий менталитет, худудий ва миллий психология, оила, ота-она, ўзаро муносабатлар

В статье осуществлена попытка объяснения половой идентификации формирующейся личности с точки зрения феноменологического подхода. Указаны первичные и вторичный период половой социализации личности и особенности полового самосознания. Такой анализ позволяет более глубоко понять природы половой десоциализации формирующейся личности и феномен построения социальной конструкции в самосознании личности. Анализируется также влияние узбекской этнической среды и особенностей семейных взаимоотношений на формирование полоролевого поведения личности.

**Ключевые слова:** половая идентификация, половая установка, десоциализация, феномен, личность, национальный менталитет, региональный и национальный психология, семья, родители, взаимоотношение.

Инсон, улғайиши давомида, ташқи оламни ўрганиши билан бирга ўз-ўзини англаши ҳам муқаррар жараён бўлиб, бу орқали шахс ўзини борлиқ билан мувофиқлаштиради ва ички дунёсини ижтимоий талаблар билан уйғунлаштириб боради. Бундай уйғунлашув шахс шаклланишининг асосий шартини бўлиб, ушбу жараён шахснинг ўзлигини англашининг, яъни идентификациянинг турли жиҳатларини ўз ичига олади. Бундай жиҳатлар ичида энг аҳамиятлиларидан бири — жинсий идентификациядир. Дарҳақиқат, инсоннинг жинси унинг ўзгалар тасаввурларидаги ягона ўзгармас хусусиятларидан биридир. Биз ўзганинг кўз ва соч рангини унутишимиз мумкин, унинг қиёфасидаги кўпгина белгиларни хотирамизда тиклай олмаслигимиз мумкин. Лекин унинг жинсини ҳеч қачон унутмаймиз. Агар инсоннинг турли хусусиятларини алоҳида талқин этсак, унинг жинсий таснифи энг аҳамиятли жиҳат эканлиги аён бўлади.

Жинсий рол — бу у ёки бу жинсга мансубликни англатувчи талаблар тизими бўлиб, индивиднинг бу талабларга мос келиш даражасига қараб у эркак ёки аёл сифатида қанчалик шаклланишига баҳо берилади. Жинсий мослик бу — инсоннинг ўзини у ёки бу жинсга мансуб, деб қараши ва бу жинсга оид хатти-ҳаракатларни амалга ошириши жараёнларининг бирлигидир. Жинсий рол ва жинсий ўзлиқни англаш ўзаро боғлиқ иборалар бўлиб, хатто ўзаро уйғунлашувчи ҳолатлар ҳамдир. Жинсий рол шаклланишидаги асосий омиллардан бири — жамиятдаги мавжуд гендер стереотипларидир. Гендер стереотиплари деганда жамият фуқаролари онгидаги эркак ва аёлларга хос тасаввурлар тизими тушунилади.

---

Жинсий идентификация асосида шакланган ижтимоий установакалар ётади ва бу установакалар инсоннинг нафақат ташқи муҳит билан балки ўз-ўзига бўлган муносабатини ҳам белгилайди. Шу маънода миллий муҳит хусусиятлари ҳар қандай жинсий установакалар шаклланишидаги асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон худуди ва маҳаллий халқ миллий хусусиятлари таҳлилига мурожаат этарканмиз, жинсий установакалар шаклланишидаги ўзбек миллати вакиллариغا хос этнопсихологик жиҳатлар ўзига эътиборни тортади.

Аммо, ушбу ҳолат ўзбек оилавий муҳити мисолида таҳлил этилар экан, айрим этнопсихологик хусусиятларни назардан четда қолдириш мумкин эмас. Хусусан, кўпгина ўзбек оилаларига хос бўлган қариндош-уруғчилик муносабатларининг зичлиги, болани ўзига хос тарзда ардоқлаш ва эркалаш кўпгина ўғил болаларда илиқлик ва ҳиссиётга мойилликнинг шаклланишига асос яратади. Бундан ташқари, боланинг илк ёшлик давриданок ўз тенгқурлари доирасида кўп вақтини ўтказиши ҳам ундаги жинсий ўзлигини англаш жараёнини тезлаштиради ва ўз жинсий гуруҳига хос бўлган стереотипларни ўзлаштириш ҳамда установакалар шаклланишига олиб келади.

Ўзбек этномуҳитида тарбия хусусиятлари ҳам жинсий идентификация шаклланишида ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Болага унинг жинсига мувофиқ тарзда муносабатда бўлиш, тарбия жараёнида гендер жиҳатларга катта эътибор қаратиш миллатимиз менталитетига хос бўлган ва Республикаимизнинг деярли барча худуд вакилларида учраб турадиган ҳодисадир. Тарбия жараёнида ота-онанинг жинсий роллар тафовутларига хатто етарли даржада англамаган равишда риоя қилишлари ва бу ролларга тааллуқли муносабатларни кўришлари, улғаяётган шахсда ўзига хос жинсий установакаларнинг шаклланишига шароит яратади.

Ота-она амал қилиб яшайдиган жинсий роллардан келиб чиқувчи муносабатлар аста-секин бола томонидан интериоризациялашади ва унинг ички фаолияти режасига айланиб боради. Ҳар қандай шакланган установака эса, ўз навбатида, қотиб қолган ва статик ҳолат бўлмай, балки ривожланиб боровчи динамик жараёндир. Бу дегани, вазият тақозоси билан, у ёки бу даражада шакланган установака актуал эҳтиёж ва мавжуд вазиятга биноан ўз ички структурасини янада мукаммаллаштириш ва керак бўлса, қайта қурилиши имкониятига ҳам эга. Установакалар ўзининг амал қилиши давомида шахснинг янада юксакроқ мотивацион-эҳтиёж қатламлари билан ҳамоҳангликда фаолият олиб боради. Албатта бундай таъриф жинсий установакалар доирасида ҳам амал қилади.

Шахснинг жинсий идентификациясини феномен сифатида тушуниш унинг ўзгариб боровчан ҳаётга мослашуви механизмларини янада тўлароқ англаш имконини беради. Айниқса, бундай билимлар, ўз ҳаётида қийин аҳволга тушиб қолиб, психологик кўмакка муҳтож бўлган шахснинг истиқболдаги режаларини ва тақдирида ўзгаришларни асослаш учун жуда фойдали бўлиши мумкин. Ҳаётда кўп ҳолатлар учрайдикки, инсоннинг ички дискомфорт ҳолати ўзининг хатти-ҳаракат сабаблари ва майлларини тўла англай олмаслик сабабларидан иборатдир. Инсон иккиламчи жинсий идентификация даврини (17-25 ёшлар) кечириш пайтида ушбу жараёнлар янада кескинлашиши ва натижада қайта қурилиши — десоциализация поғонасига ўтиши мумкин. Лекин, ҳар қандай қайта қуриш жараёни қийинчиликлардан холи бўлмаганидек, жинсий идентификация соҳаси ҳам инсонга маълум ноқулайликлар ва ички зиддиятларни келтириб чиқариши табиий. Бундай пайтда инсонга ёрдам беришнинг асосий услубларидан бири- унинг ички дунёсида нима бўлаётганини, феноменологик қайта қурилиш жараёнини тушуниши ва шахс томонидан англаниши билан эришилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Фельдштейн Д.И. Психология развития личности в онтогенезе. М., Педагогика, 1989. 208 с
2. Алешина А.Ю. Проблемы усвоения ролей мужчины и женщины // Вопросы психологии. — 1991,

---

№ 4, с. 74-82

3. Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши. Психология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 1994. 215-223 б
4. Ғозиев Э, Холмухамедов М, Иброҳимов Х. Психология методологияси // Психология мутахассислиги учун ўқув қўлланма. — Т.: 2002 — 172 б.
5. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси // Ўқув қўлланма. — Т., 2006 — 142б.